



ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Саидова Камола Хошимовна

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

тел: +998946941041

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10537264>

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири - бу ишлаб чиқариш корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, ташқи ва ички бозорлар учун сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва сотишда замонавий савдо хизматларини ташкил қилиш ҳамда ушбу хизмат имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонни ривожлантириш тараққиёт стратегиясининг бешта устувор йўналишларидан бири “миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлашга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”¹

Мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашни талаб қилади. Ҳудудлар иқтисодиётини кўтармасдан, ислохотларни чуқурлаштирмасдан миллий иқтисодиётни ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, айнан минтақалар миллий иқтисодиётнинг ривожланиш суръатларини, унга хос хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.





Бунда ҳудудларда мавжуд табиий ресурслар, демографик вазият ва инсон ресурслари, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Макроиқтисодий барқарорликка эришиш кўп жиҳатдан ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, унинг тармоқ тузилишини такомиллаштириш, ялпи ички маҳсулот таркибий компонентларининг оптимал нисбатини таъминлаш, иқтисодий ўсиш моделларидан энг мақбулларини танлаш каби муҳим масалаларни ечиш билан боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнларни макроиқтисодий таҳлил қилиш ва методологик жиҳатдан такомиллаштириш, бу бўйича амалий тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг ўсишини тезлаштиради.

Ўзбекистонда кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда ва ҳукумат томонидан уни мустақкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Асосий вазифалар– макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, тармоқларни монополиядан чиқариш, давлат томонидан нархлар белгиланишини тартибга солишни бекор қилиш ва “яширин иқтисодиёт”га барҳам бериш”².

Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли раванқи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табиий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади.

Мамлакатимиз минтақалари ўзига хос табиий- иқтисодий салоҳиятга, демографик ҳолатга ва бошқа шарт-шароитларга эга. Алоҳида таъкидлаш лозимки, минтқавий ривожланиш макроиқтисодий сиёсатнинг кичрайтирилган нусхаси эмас. Чунки ҳар бир ҳудуд ўзига ҳос табиий ресурс ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, унинг ривожланиш йўллари макроиқтисодий ривожланишдан фарқ қилади. Шу сабабли минтақалар ривожланиш ва иқтисодий ислохотлар даражасини доимо таҳлил қилиб туриш, зарур ҳолларда эса уларга ўзгартиришлар киритиб туришни тақозо этади.

²Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг олий мажлисга муроҷатномаси. “Халқ сўзи” газетаси №19 (7521), 2020 йил 25 январь.





Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ_101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармони
3. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь. – М., 2012, с. 264.

